NKMK — yuksak sifat, samaradorlik va ijtimoiy himoya kafolati!

KONCHILAR HAYOTI

Gazeta 1991-yildan chiqa boshlagan №5 (743), 2023-yil 13-mart

facebook.com/nkmkofficial t.me/ngmkofficial instagram.com/nkmk.official www.ngmk.uz

■ 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ХОТИН-ҚИЗЛАР!

Қувондиқ САНАҚУЛОВ,
“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ
Бошқарув раиси – Бош директори

Азиз ва муҳтарама опа-сингиллар, мўътабар онахонлар!

Жонажон юртимизга шукуҳи ва қувончи тамоман ўзгача бўлган гўзал баҳор кириб келди. Она табиатнинг бу фасли сиз опа-сингилларимиз, мўътабар оналаримиз байрами билан бошланиши бежиз эмас.

Зеро, меҳр ва муҳаббат, эзгулик ва гўзаллик ҳақида сўз кетганда, энг аввало, кўз олдимизда муҳтарама оналаримиз, гўзал аёлларимиз сиймоси гавдаланади. Сизлар вафо ва садоқат тимсоли, ҳаётимиз файзи ва кўрки, хонадонларимиз фаришталарисизлар.

Фурсатдан фойдаланиб, сизлар орқали комбинатимиз, “Навоийуран” ва “НКМК жамғармаси” жамоасидаги барча хотин-қизларни Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий табриклаймиз. Энг муҳими, оилангиз ва яқинларингиз бахтига, қолаверса, жамоамиз бахтига соғ-саломат бўлишингизни, доим бугунгидай гўзал баҳорий кайфиятда юришингизни тилаймиз.

Азиз ҳамкасблар!

Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда аёлларимиз олдинги сафларда фаол иштирок этишмоқда.

Президентимизнинг “8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ Навоий машинасозлик заводи ИЧБ темирчилик-пресслаш цехи машинисти Ахмедова Зулфия Рахмоновна “Меҳнат шуҳрати” ордени, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси буйруғига кўра “Мўътабар аёл” кўкрак нишони билан мукофотланди. Давлатимиз раҳбарининг жамоамизга бўлган катта эътиборидан фахрланиб, ҳамкасбимизни юксак мукофотлар билан чин қалбимиздан табриклаймиз.

Шуни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: сизларнинг ҳар бирингиз ҳам шундай мукофотларга лойиқсизлар. Ҳаммангиз гувоҳ бўлиб турибсизки, бугун мамлакатимизда Инсон қадри, Аёл қадри улуғланмоқда. Инсон қадрланган юртда эса тинчлик ва фаровонлик, аҳиллик ва барака бўлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан хотин-қизларимиз турмуш шароитларини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, Гендер тенглигини таъминлашга қаратилган оқилона сиёсат олиб борилмоқда. Зеро, бутун ҳаётини оиласи, фарзандлар тарбияси ва танлаган касбига бағишлаган муҳтарама Она, муқаддас Аёл, садоқатли Оила бекаси сиймосидаги сиз, муҳтарама онахонларимиз, дилбар опа-сингилларимизни эъзозлаш, шаънингизга илиқ гапларни айтиш биз учун фахр ва шарафдир.

Муқаддас оналаримиз, опа-сингилларимиз халқимиз бошига оғир кунлар тушган синовли даврлар, уруш йилларида ҳам жасорат кўрсатган. Бобо-момоларимиздан эшитганларимиз, шу мавзуда ёзилган китоблар, яратилган фильмлар, санъат асарлари, қўшиқ ва қасидалар, тарихий манбалар бунинг исботидир. Шундай экан, аждодларимиздан мерос анъанани давом эттириш, келажак авлодларга етказиш биринчи даражали вазифамиздир. Зеро, миллатнинг улуғлиги хотин-қизларга бўлган эътибор ва эъзоз билан белгиланади.

Навоий кон-металлургия комбинати маъмурияти хотин-қизларимизни ижтимоий ҳимоялаш, меҳнатини қадрлаш, муносиб иш ва турмуш шароитларини яратишга, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келаяпти. Бу масала доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Навоий кон-металлургия комбинатида 6 мингдан зиёд, “Навоийуран” ва “НКМК жамғармаси”да қарийб 7 мингга яқин, Навоий давлат кончилик ва технологиялар университетида 260 дан ортиқ хотин-қизларимиз борлиги, улар орасида 2 нафар фан доктори, 21 нафар фан номзоди фаолият юритиб келаётгани қувонарлидир. Улар фидокорона меҳнати билан қўйилган катта вазифаларни бажаришга муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда.

Кон-металлургия соҳаси шарафли, шу билан бирга, машаққатли ва фидойилик талаб этадиган соҳадир. Шунга қарамай, катта вазифаларни зиммасига олиб, чинакам матонат кўрсатиб келаётган, ўз касбининг ҳақиқий жонкуярлари бўлган аёлларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Биргина, Навоий кон-металлургия комбинати мисолида олиб қарайдиган бўлсак, хотин-қизларимиз орасида 35 нафар давлатимиз юксак орден-медаллари, 1270 нафардан зиёд “НКМК фахрийси” унвони, “Кончилик шуҳрати” кўкрак нишони билан тақдирланганлар, 1280 нафардан ортиқ олий маълумотли хотин-қизлар, 264 нафар раҳбар аёллар, маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар борлиги эътиборга лойиқдир. Сизларга, сизлар орқали барча хотин-қизларимизга фидокорона хизматлари ва корхонамиз ривожига қўшиб келаётган улкан ҳиссаси учун ўз ташаккуримни билдираман.

Комбинатда меҳнат қилаётган хотин-қизларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар уч корхонада Аёллар Кенгашлари ташкил этилган. Уларга бугунги кун сиёсатини яхши тушунадиган, хотин-қизлар дарди ва муаммоларини раҳбарларга етказиб, ҳал эта оладиган лидер аёллар етакчилик қилмоқдалар. Бугун Аёллар Кенгашлари олиб бораётган ишлар республика даражасида эътирофга сазовор бўлмоқда. Жумладан, комбинат жамоаси Олий Мажлис Сенати томонидан ўтказилган “Гендер тенглик фаоли” миллий танловида совриндор бўлгани, Марказий кон бошқармаси Аёллар Кенгаши раиси Саодат Бобоёрова Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган “Энг намунали хотин-қизлар бошланғич ташкилоти” танловида, 3-гидрометаллургия заводи устаси Гулжамила Турғунбоева “Йил аёли” танловида ғолибликни қўлга киритгани кўпминг кишилик жамоамиз учун яхши эътирофдир.

Хотин-қизларимиз салоҳиятини рўёбга чиқариш ва рағбатлантириш мақсадида, жорий йилдан бошлаб комбинат, “Навоийуран” ва “НКМК жамғармаси” корхоналари ходимлари учун ташкил этилган “НКМК - Олтин аёли” кўрик-танлови аёлларимиз нафақат ишда, балки ҳаётда ҳам фаол ва ташаббускор эканликларини кўрсатмоқда. Жорий йил мазкур кўрик-танловнинг финал босқичида “НКМК” акциядорлик жамияти Марказий кон бошқармаси Ташқи сув таъминоти Бирлашган энергохизмати кимёвий таҳлил лаборанти Мива Пашбаева, “Навоийуран” давлат корхонаси ҳужжатлар ижросини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати бошлиғи Наргиза Кенжаева, “НКМК жамғармаси” давлат муассасаси “Зарафшон” худудий бошқармаси кадрлар гуруҳи раҳбари Наргизахон Раҳмоновалар ғолибликни қўлга киритдилар. Бу танловни ҳар йили ўтказиш ва янада кучайтириш тарафдориман.

Албатта, бундай эзгу ишлар ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Биз, шу даврга қадар бу борада нима ишлар қилган бўлсак, уларни катта йўлдаги илк қадамлар, деб биламиз. Ишонтириб айтамизки, “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да ва келгусида ҳам бу ишларни янада кучайтирамиз.

Азиз опа-сингиллар!

Юртбошимиз таъкидлаб ўтганидек, агар биз меҳр-оқибат ва садоқат тимсоли, хонадонларимиз фариштаси бўлган аёлларга битта яхшилик қилсак, ҳеч шубҳасиз, бу ўнта яхшилик бўлиб қайтади.

Яна бир бор барчангизни Халқаро хотин-қизлар байрами билан чин қалбимдан табриклайман.

Сизларга соғлик-саломатлик, оилавий тинчлик-хотиржамлик, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

ЁҚИЛҒИ-МОЙЛАШ МАҲСУЛОТЛАРИ СИФАТИ-ЭЪТИБОРДА

Ҳар қандай двигателнинг узоқ вақт ишлаши сифатли техник хизмат кўрсатишга узвий боғлиқ. Мойлаш материалларини текшириш ва ўз вақтида алмаштириб туриш техник хизмат кўрсатишнинг асосий элементларидан биридир.

Транспорт хўжалиги нефть маҳсулотлари энг кўп сарфланадиган тармоқлардан ҳисобланади. Транспорт воситалари эҳтиёжлари учун дизель ёнилғиси, бензин, мойлаш материаллари сарфланади. “Навоий конметаллургия комбинати” акцядорлик жамиятининг Марказий кон бошқармаси Автомобиль транспорти бошқармасида нефть маҳсулотлари, жумладан трансмиссия, пластик сурков мойлари, техник суюқликлардан фойдаланилади. Корхонада нефть маҳсулотларининг сифати қатъий назоратга олинган. Чунки сифатсиз ёқилғи техниканинг муддатидан илгари ишдан чиқишига сабаб бўлади. Шундай ҳолнинг олдини олиш мақсадида, бошқарма ҳудудида ёқилғи-мойлаш материалларини текшириш лабораторияси фаолият кўрсатяпти. Лаборатория иш бошлаганига келгуси йилда 30 йил тўлади. Айни вақтда бу лабораторияга Хуршидабону Ҳосилова раҳбарлик қилмоқда. У лаборатория фаолияти ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

-Лабораториямизнинг асосий вазифаси фойдаланиш учун келтирилаётган ёқилғи-мойлаш материалларининг сифатини назорат қилишдан иборат. Лабораториямиз халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, бу ерда физикавий ва кимёвий, спектрал ва мойнинг умумий ҳолатини текшириш каби таҳлил турлари бажарилади. Ҳозирги вақтда лабораторияда дунёдаги етакчи техника воситалари ишлаб чиқарувчиларнинг тавсия-

ясига биноан двигатель, гидравлик, трансмиссия мойлари ва техник суюқликларни ўрганиш бўйича халқаро стандартларга мос таҳлиллар ҳам ўтказилмоқда. Диагностика бўйича муҳандислар ёқилғи ва мойларнинг лаборатория таҳлилларидан фойдаланган ҳолда двигатель ва бошқа қисмларнинг ҳолатини аниқлашади. Бу эса қимматбаҳо эҳтиёт қисмларининг эрта эскириши ва ишдан чиқишининг олдини олишга имкон беради.

Ёқилғи-мойлаш материаллари марказий лабораторияси BelAZ (Беларуссия), Caterpillar (АҚШ), Komatsu Shell (Япония), Exxon Mobil (АҚШ), Total (Франция), Gazpromneft (Россия) ва бошқа техника ва мой маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи халқаро етакчи компаниялар билан ҳамкорликда иш олиб боради. Лаборатория оғир юккўтарувчи автоағдаргичларнинг ишлаш шароитини инобатга олган ҳолда, мой маҳсулотларини мунтазам равишда синовдан ўтказади.

Лаборатория билан мой маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи маҳаллий Chilon Lubricants компанияси ўртасида ҳамкорлик ўрнатилган. Компания ишлаб чиқараётган мой маҳсулотлари кон ишлари шароитида синовдан ўтказилиб, маҳсулотлар сифатини янада яхшилаш чоралари кўрилмоқда.

Айни вақтда лабораторияда 32 нафар ходим меҳнат қилаяпти. Муҳандислар П.Медведева, М.Назарова, Г.Ҳалилова, спектрал ва кимёвий таҳлил лаборантлари Э.Бекмуратова, М.Бобоёрова, Д.Бобохолова, Н.Дониёрова, Г.Зиёева,

М.Избанова, Н.Ильтерякова, Д.Исмаилова, А.Трипольская, М.Фозиловалар ишда ҳамкасбларига намуна бўлишяпти. Қизлар ўз ишининг усталари бўлиб, барча таҳлилларни моҳирона амалга оширишади. Улар йилда бир марта Тошкент шаҳридаги Республика стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институтининг Қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказида билим савияларини оширишади. Лаборатория 2022 йилнинг 25 июлида “Ўзбекистон аккредитация маркази” ДУК текширувидан ўтказилиб, “Маъқуллаш” тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлди ва давлат стандарталарига жавоб берувчи энг яхши лаборатория деб тан олинди. Лаборатория раҳбари Х.Ҳосилова “Ўзбекистон аккредитция маркази” текширув комиссияси таркибига киритилиб, 2022 йилнинг июль ойида Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология хизматининг Хоразм вилояти бошқармасида, сентябрь ойида эса Бухоро шаҳрида чет эл компанияси билан ҳамкорликдаги “Asia Trans Gaz” ҚК кимё лабораториясида ўтказилган текширувларда техник эксперт сифатида қатнашди.

– Бундай ютуқларга эришишимда ота-онам ва оиламнинг ҳиссаси каттадир. Ҳаёт мактабини ота-онамдан ўрганган бўлсам, Муҳаббат опа Избанова ва П.Медведевалар ишдаги устозларим бўлишади,-дейди Х.Ҳосилова.

Дарвоқе, ҳаётда ўз ўрнимизни топишимизда ота-онамизнинг ўрни беқиёсдир. Хуршидабонунинг отаси Мирали ака ва онаси Абера аялар ҳар уч нафар фарзанди олий маълумотли бўлишларига имконият яратдилар. Хуршиданинг акаси Нуралижон “Навоийуран” давлат корхонаси “Зафаробод” кон бошқармасининг 2-цехида уста, опаси Дилдорахон Марказий кон бошқармаси Марказий механика таъмирлаш цехининг муҳандиси. Ҳаммалари оилали, бувию боболар эса фарзандлар ва невaралар меҳру муҳаббатидан баҳраманд бўлиб яшашмоқда...

Хуршидабонунинг турмуш ўртоғи Рустамжон Зиёдуллаев Тошкент ахборот-технологиялари университетини тугатган. Айни вақтда маҳаллада ҳоким ёрдамчиси бўлиб ишламоқда. 6 яшар фарзанди Комронбек боғча тарбияланувчиси. Хуршидахоннинг айтишича, феълатвор жиҳатдан ўзи “олов” бўлса, Рустамжон “сув” экан. Ҳаётда ана шундай, бир-бирларини тўлдириб келмоқдалар.

Биз қудратли машиналар ёқилғиси сифати назорат қилинадиган мўъжазгина лаборатория соҳибасига келажакдаги ишларида ривож тилаймиз.

А.АХМЕДОВА.
В.ЯКОВЛЕВ олган суратлар.

■ Хушхабар

Жорий йил 6 март куни Президентимизнинг “8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ бир гуруҳ хотин-қизларимиз давлат мукофотлари билан тақдирландилар. Улар орасида Навоий машинасозлик заводи темирчилик-пресслаш цехи машинисти Зулфия Аҳмедова ҳам борлиги бутун жамоамизни қувонтириб юборди.

МУКОФОТ МУНОСИБ ЭГАСИНИ ТОПДИ

Қадрли ҳамкасбимиз қўшалоқ мукофот - “Меҳнат шуҳрати” ордени ва “Мўътабар аёл” кўкрак нишонига сазовор бўлди. Бу, албатта, оддий касб эгасининг фидокорона хизматларига берилган муносиб баҳодир. Ишонамизки, ушбу рағбат ва эътибор мукофот эгасини янада фидокорона меҳнат қилиш, комбинат равнақига ўз ҳиссасини қўшиш, масъулиятли вазифасини виждонан бажаришга руҳлантиради.

Зулфия опа 2001 йилдан буён комбинат тизимида ишлаб келаяпти. Навоий машинасозлик заводида оддий фаррош бўлиб иш бошлаган З.Аҳмедова тўққиз йил давомида корхонанинг тозалик-озодалигини таъминлашга сидқидилдан хизмат қилди. Машинистлик касбига бўлган қизиқиши ҳаётига катта ўзгаришларни олиб кирди. У 2009 йилда заводнинг темирчилик-пресслаш цехига машинистлик вазифасига ишга қабул қилинди. Мана ўн тўрт йилдирки, опа ўз касбини шарафлаб, ҳалол меҳнати ортидан жамоада ҳурмат-эътибор қозониб келмоқда.

Кўпминг кишилик жамоамиз номидан Навоий машинасозлик заводи машинисти Зулфия Раҳмоновна Аҳмедовани Президентимиз Фармони билан “Меҳнат шуҳрати” ордени, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси буйруғига кўра “Мўътабар аёл” кўкрак нишонига сазовор бўлгани билан чин қалбдан табриклаймиз.

“НКМК” АЖ Матбуот маркази.

■ 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни

БАҲОР КЕЛДИ, БАЙРАМЛАРНИ ЕТАКЛАБ

Гўзал баҳор айёми 8 март – Хотин-қизлар байрамини Навоий кон-металлургия комбинатида кўтаринки руҳда нишонлаш анъанадир. Байрамона тадбирларда мўътабар онахонларимиз, дилбар опа-сингилларимиз ва қизларимизга эътибор, эҳтиром кўрсатилади ва бу улар қалбига олам-олам завқ бағишлайди.

Жорий йилнинг 7 март куни Навоий шаҳридаги “Фарҳод” маданият саройида фаол хотин-қизлар иштирокида байрам тадбири ташкил этилди.

Навоий кон-металлургия комбинати, “Навоийуран” давлат корхонаси, “НКМК жамғармаси” давлат муассасаси, Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети вакиллари, соҳа илғорлари ва меҳнат фахрийлари иштирок этган тадбирда “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ Бошқаруви раиси – Бош директори Қ.С.Санақулов сўз олиб, хотин-қизларни баҳорнинг илк айёми билан муборакбод этди.

Шундан сўнг самарали меҳнати билан ибрат бўлиб келаётган бир гуруҳ фаол хотин-қизларга “НКМК фахрийси” кўкрак нишонлари топширилди.

“Фарҳод” маданият саройи бадиий жамоалари ва санъаткорлари томонидан ижро этилган аёлни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар, рақслар, саҳна кўринишлари ва шеърлар даврага ўзгача файз бағишлади.

“НКМК” АЖ Матбуот хизмати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия ҳайкалини ўрнатиш тўғрисида”ги қарорни ўқиб

ЗУЛФИЯХОНИМНИНГ СИЙМОСИ ҚОШИДА АЙТГАНЛАРИМ

Давраларга, калбларга яна баҳор келди. Сиз севган, сиз кўнгил қўйган, сиз соғинган баҳор.

Бу фаслнинг мулойим ва дилбар насмлари бизга нақадар таниш, дилга нақадар яқин. Юрагингизга, қалбингизга сурур солган, Сизни эслатувчи, Сизни соғинтирувчи баҳор.

Онам айтдилар, баҳор эзгулик тимсоли эмиш, Сиз ҳам эзгулик, садоқат ва бокиралик тимсоли эдингиз, гўзаллик яратишни севар эдингиз.

Руҳингиз олдида титраб турган нозик вужудимда, адабиётга чексиз меҳр қўйган пок юрагимда кезиб юрган, Сизга, Сизнинг ижодингиз ва шахсингизга нисбатан уйғонган туйғуларимни нима деб аташни билолмаяпман. Сизни кимим деб атай, онамми ёхуд устозим?

Зулфияхоним, мен Сизни суюгим деб атагим келади, буюгим деб атагим келади. Юртимнинг раҳбари Сизни улуғлаб, эҳтиромлаб, бизни Сиз каби бўлишга ундайдилар. Чиндан ҳам Юртбошимиз айтганидек, Сиз “Армонлардан тирик орзулар яратдингиз”. Шунинг учун ҳам Сиз бугунги ҳурматга, эъзозга ҳам, халқ назарига ҳам муносибсиз.

Пок руҳингиз олдида ваъда бераман: чексиз меҳр-муҳаббатга тўла қалбингизнинг таржимони бўламан. Бу йулда менга таянч бўлинг, суянч бўлинг, Зулфияхоним!

Бу гўзал боғ ичра гулгун чечаклар,
Ибодан тебранар майин ипаклар.
Сиздан қолган авлод, Сиздан қолган сўз,
Абадият сари кетар етаклаб.
Ҳали шодланади руҳингиз кўп бор.
Тонглар сурурларга тўлган маҳали.
Ўзингиз айтгандек, Сиз истагандек,
“Бу боғлар бир боғлар бўлади ҳали”.
Менчи қаршингизда турибман бугун,
Юрагим ичида минг бир ҳаяжон.
Сиз осуда ётинг, кўринг кузда ҳам,
Ўрик гулларига тўлмишдир жаҳон.
Сиз вафо рамзини чизган мусаввир.
Армону, ҳижрону ғамлар ичинда,
Шону шавкатларга йўғрилган умр.
Истиқлол келтирган Бахт учун таъзим.
Бу халқ, юксалгайдир ҳар кун албатта,
Ўзингиз айтгандек, орзу қилгандек.
“Руҳингиз осуда ўтмиш абадга”.
Саф-саф бўлиб қизлар келмоқда қаранг,
Эл ичра номимиз – “Зулфиячимиз”.
Сизни тинглаб туриб, англаганим шу -
“Бахтингиз - Ўзбекнинг Зулфиясисиз”.

ДИЛКАШИМ ОНАМ

Дунё-дунё бўлиб яралган чоқдан,
Шоирлар куйлайди замонлар оша.
Онажон, буюксиз, энг баланд тоғдан,
Меҳрим уммонлардек юракдан тошар.
Борлигингиз бизга осмон ўпар тоғ,
Зарра меҳрингиздан кўнгил бўлар чоғ.
Отам ҳасратида тутдингиз мотам,
Улғайдик, қалбингиз йиғлайди ниҳон.
Меҳнатдан чарчамай эзса ҳам алам,
Кулиб турганингиз ўзи бир жаҳон.
Ҳам отам, ҳам онам, нурли кошонам.
Ҳаётим, қувончим, тенгсиз дурдонам.
Бизни деб покликдан либос кийдингиз,
Бошдан ҳам баландроқ кўтарай сизни.
Қаҳратон қишларда чўғдай куйдингиз,
Энди оппоқ тонглар кутмоқда бизни.
Юзи пок, сўзи пок, ўзи пок онам,
Гарчи юрак-бағри чоки-чок онам.
Сизни улуғлагим келди шеъримда,
Гарчанд Сиз шеърдан ҳам буюкроқдирсиз.
Пойингизга чўксин дунё тоғлари,
Чунки сиз виқорли, буюк тоғдирсиз.
Сиз борсиз, йўқ менинг таҳликам онам,
Вафонинг юртига маликам онам.

Шаҳноза СУЛАЙМОНОВА,
“НКМК” АЖ бошқармаси ходими.

“Навоийуран” давлат корхонасида меҳнат қилаётган 900 нафарга яқин ҳотин-қизлар ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларида юқори билим ва касбий маҳоратларини намоён этиб келмоқдалар. Улар масъулиятли ходим, оқила бека, меҳрибон она, қолаверса Янги Ўзбекистон учун илмли ва баркамол фарзандларни вояга етказаётган тарбиячилардир.

ДИЛРАБОНИНГ БАХТ ФОРМУЛАСИ

Яқинда корхонада хотин-қизлар Кенгаши тузилди ҳамда унинг вазифалари, фаолияти доирасида амалга ошириладиган ишлар белгиланди. Ушбу жамоатчилик тузилмасига кончилик соҳасида йигирма йиллик тажрибага эга Дилрабо Ҳусанова раис этиб сайланди.

2003 йили Тошкент давлат техника университетини Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш мутахассислиги бўйича тугаллаб, меҳнат фаолиятини Навоий кон-металлургия комбинати Назорат ўлчов-асбоблари ва автоматика марказий лабораториясида бошлади. Орадан олти йил ўтгач, фаолиятини комбинат бошқармаси Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифат менежменти тизими бўлимида муҳандис лавозимида давом эттирди.

Ўтган даврда ўзини касбий маҳоратини ошириш устида ишлайдиган мутахассис, ташаббускор ва фаол ходим сифатида намоён этган Д.Ҳусанованинг ишчанлиги “Навоийуран” ДК раҳбарияти эътиборидан четда қолмади. У 2022 йили корхона бошқармасининг Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифат менежменти хизмати бошлиғи лавозимига тайинланди.

“Корхона фаолиятида бизнинг хизматнинг ўрни муҳим ҳисобланади. Чунки стандартлаштириш – бу корхонада мавжуд ёки келгусидаги татбиқ этиладиган стандартлар, талабларни тартиблаштиришга йўналтирилган илмий-техникавий фаолиятдир (ISO/IEC). Корхонамизда бугунги кунга қадар СМСваСМТ хизмати томонидан таркибий бўлинмалар, хизматлар ва бўлимлар билан биргаликда стандартлаштириш борасида 23 та стандартлар ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Ўзбекистонда сифат менежменти тизимининг миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш ва дастлабки босқичда корхоналар фаолиятининг сифатини яхшилаш мақсадида уни жорий этиш жараёнини бошлаш долзарб ҳисобланади ва бу келажакда албатта, ўз самарасини беради. Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг “Навоийуран” ДКнинг 2022-2030 йиллар давомида уранни қазиб олиш, қайта ишлаш ҳажмларини ошириш ҳамда трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида, халқаро стандартлар талаблари асосида Интеграллашган бошқарув тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш юзасидан муҳим ҳужжатлар тайёрланмоқда. Қарор доирасида корхонамизнинг 52 нафар мутахассиси ўқитилди ва халқаро тоифадаги сертификатларга эга бўлишди. Хизматнинг вазифалар кўлами жуда кенг. Бу мураккаб, аммо қизиқарли касб инсондан масъулиятлиликни талаб этади”, – дейди Д.Ҳусанова.

Қаҳрамонимиз отаси Янгибой Ҳусановнинг кўп йиллар НКМК бошқармасида стандартлаштириш бўйича муҳандис лавозимида фаолият олиб борганини фахр билан тилга олади. Дилрабо мактабни битириб, касб танлаш фурсати келганда, айнан отасининг маслаҳати билан ушбу соҳани танлади. Касбига меҳр уйғониши, унинг сир-асрорларини ўрганиши, қолаверса соҳада қандай ютуқларга эришган бўлса барчасида отасининг устоз сифатида ҳиссаси катта бўлди.

Д.Ҳусанова табиатан ғайратли, қатъиятли, ҳар бир ишга ижодкорона ёндашадиган, ҳамкасбларини янгиликлар сари етаклай оладиган инсон. Унинг бу фазилатлари хотин-қизлар Кенгаши раиси сифатидаги фаолиятида ҳам асқотмоқда.

“Аёли эъзозланган юртда яшашнинг ўзи бир бахт аслида. Бугун жонажон корхонамизда меҳнат қилаётган, ҳар бир аёлнинг бахти бутун деб биламан. “Навоийуран”дек нуфузли корхонада ишлаш, шу билан биргаликда, меҳнатларинг қадр топиши, жамоада ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлишинг эса қўшалоқ бахт. Оддий ўзбек аёлининг ҳавас ва шукр қилишга муносиб ҳаёти шу бўлса керак. Мен каби жамоамиз хотин-қизларининг ҳар бири шундай ёқимли ҳисларни юрагидан ўтказаётганига аминман. Кенгаш фаолияти хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-иқтисодий аҳволи ва меҳнат шароитларини яхшилаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, миллий ва маънавий қадриятларимизга таянган ҳолда оила муносабатларини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга йўналтирилган.

Замонавий аёл бола парвариши, уй юмушлари, корхона ва жамоа ишлари, қўйингки ҳар ерда ва ҳар нарсага улгуриши лозим. “Навоийуран” давлат корхонаси хотин-қизлар Кенгаши эса аёлларимизга ана шундай мураккаб вазифаларни бажаришда яқиндан кўмакдошдир”, – дейди биз билан суҳбатда Д.Ҳусанова.

Ҳар бир инсон, ҳар бир аёлнинг бахт формуласи бўлганидек, Дилрабо Ҳусанова ҳам аёл бахтини кўнгил хотиржамлиги ва оила тинчлигида деб билади. Турмуш ўртоғи Ҳамидулла Камолов билан севишиб қурган файзли хонадонларида тўрт нафар гул-қизлар вояга етмоқда. Фарзандларни илмли қилиш, солиҳа қизлар этиб тарбиялаш уларнинг орзуси.

Корхона келажаги учун сидқидилдан меҳнат қилаётган Дилрабо Ҳусановадек шижоатли хотин-қизлар бор экан, ишлаб чиқариш жараёнлари барқарор давом этади ва янги марралар забт этилади.

Нафиса САГАТБАЕВА,
“Навоийуран” ДК Матбуот хизмати муҳаррири.

ТАЖРИБАЛИ ШИФОКОР, БАХТЛИ БЕКА

Жамият ҳаётида хотин-қизлар муҳим ўрин ва мавқега эга. “Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси” Давлат муассасаси Тиббий-санитария бўлими физиотерапия бўлими мудири, биринчи тоифали шифокор-терапевт Норбаева Шаҳло Қурбановна юзлаб беморлар шифо топиб, ҳаёт қувончини яна ҳис этишига ўз ҳиссасини қўшаётган хотин-қизлардан биридир.

1973 йилда Қурбон ака ва Хадича аялар оиласида тўнғич фарзанд Шаҳло, ундан кейин сингиллари Шаҳноза, Дилфуза ва укаси Зафаржонлар дунёга келишди. Ота-оналари зиёли бўлишгани боис бўлса керак болаларда, ҳам билим олишга иштиёқ кучли эди.

– Ёшлигимдан аниқ фанларга, математика, кимё биологияга қизиқардим. Мактабни аъло баҳоларга тугатиб, дадамнинг қўллаб-қувватлашлари билан 1990 йилда Самарқанд давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетига ўқишга кирдим ва уни 1996 йилда тугатдим, - дейди Ш.Норбаева.

Институтни тугатиб, иш фаолиятини Самарқанд тумани касалхонасида бошлаган қаҳрамонимиз кейинги йилларда туман катталар поликлиникасида терапевт, Самарқанд шаҳар поликлиникасида акушер-гинеколог, шаҳар “Зафар” МЧЖ лаборанти бўлиб ишлади, 2009 йилдан НКМК Тиббий-санитария бўлими терапия бўлими терапевт-шифокори, қон қуйиш бўлими терапевт-шифокори, 2018 йилдан эса физиотерапия бўлими мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

– Ҳар бир бўлим ўз йўналишига тегишли касалликларни даволаса, бизнинг бўлимимиз барча беморлар билан ишлайди. Бўлимлар шифокорлари билан доимий мулоқотда бўлишимиз улар томонидан бизларга юбориладиган беморларга тўғри муолажалар ўтказишда ёрдам беради. Бўлимимиз таъмирланиб, янги асбоб-ускуналар билан таъминланди. Простата бези шамоллаши, аёлларда-ги бачадон тушишини даволовчи юқори интенсив электромагнит тизимли кресло, остеохондроз, диск чуррасини даволовчи электро-ультротовуш аппарати, яралик касалликлар, қандли диабетларни даволовчи лазерлик ускуна, шунингдек қон айланишини яхшилаш, шишларни қайтариш, коксоартроз, люмбальгия, плексит касалликларни даволашда қўлланиладиган асбоб-ускуналар шулар жумласидандир. Айни вақтда бўлимимизда 34 нафар ходим фаолият кўрсатади. Бўлим ходимлари ҳар куни қарийб 500 та муолажани амалга оширишяпти.

Улар ўз ишининг билимдонлари, юқорида айтиб ўтилган асбоб-ускуналардан самарали фойдаланиш учун билимга эга бўлишлари лозим. Врачларимиз ҳар 5 йилда Тошкент малака ошириш институтида, ҳамшираларимиз эса Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш марказининг Навоий филиалида ўз малакаларини ошириб туришади,-дейди тажрибали шифокор.

Суҳбатда Ш.Норбаева устозларининг номларини ҳам ҳурмат ва эҳтиром билан эслаб, физиотерапия бўлимида унга бу соҳанинг сиру асрорларини ўргатган Дилором Идиевадан бир умрга миннатдорлигини айтди. Ш.Норбаева жамоат ишларида ҳам фаол, 2019 йилда Тиббий-санитария бўлими Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш кенгашининг раислигига сайланган. ТСБ хотин-қизларининг муаммоли масалалар юзасидан турли мурожаатлари Кенгаш аъзоларининг доимий эътиборида бўлаяпти.

Ш.Норбаеванинг турмуш ўртоғи, собиқ ҳарбий Авазжон ака, айни вақтда нафақада, лекин тиниб-тинчимайдилар. Улар уч қиз ва бир ўғилни вояга етказишди. Қизлари Дилдора, Камола, Зебинисо олий маълумотли, уларнинг икки нафари ўқитувчи, бир нафари иқтисодчи. Ўғли Шоҳжаҳон Москва нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиалининг иккинчи босқич талабаси. Қизларни турмушга узатиб уч нафар ширин-шакар неварали бўлишди, бувижон ва бобожон “Мевасидан данаги ширин” дея ҳар дам олиш куни уларни кўришга ошиқишади. Зеро, неваралар дийдори ҳар бир инсон учун энг ширин дамлардир.

А.АХМЕДОВА.
В.ЯКОВЛЕВ олган сурат.

АВТОМАТИКАНИ НОЗИК ҚЎЛЛАР ЙИҒАДИ

Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш бошқармаси Навоий кон-металлургия комбинатининг муҳим ишлаб чиқариш бўлинмаларидан биридир.

“Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясига мувофиқ корхонада “2020-2022 йилларда НКМКни рақамли трансформация қилиш дастури” ишлаб чиқилган. Дастур доирасида корхонанинг ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларига рақамли технологияларни жорий этиш бўйича 27 та лойиҳа, ишлаб чиқариш жараёнларида сунъий интеллектга асосланган тизимларни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” доирасида 7 та лойиҳа амалга оширилди. 2022 йилда амалга оширилган “Металлургия технологик жараёнларини бошқариш интеллектуал тизими” лойиҳаси доирасида 5- ва 7-гидрометаллургия заводларининг оператив диспетчерлик пунктида автоматлаштирилган интеллектуал бошқарув тизимлари жорий этилди.

Жорий йилда 5-сонли гидрометаллургия заводида “Ҳаво сарфи ва пульпа сатҳини барқарорлаштириш автоматик тизими” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳа пулпа маҳсулотидан олтинни флотация усулида ажратиб олиш жараёнини бошқаришда махсус интеллектуал IP-видео камералар ва таҳлил қилиш блоки ҳамда операторнинг автоматлаштирилган иш ўрнидан ташкил топган автоматлаштирилган интеллектуал тизимни жорий қилиш орқали технологик жараённи оптимал бошқариш имконини беради.

Корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш тизимлари ва воситаларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлашда бошқарма мутахассисларининг, айниқса хотин-қизларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Бошқармада 177 нафар ишчи-ходим меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг қарийб 70 нафари хотин-қизлардир. Опасингилларимиз ақл-идроки, меҳнатсеварликлари билан истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, янги объектларни ишга туширилишида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

– Биласизми, диққат ва жиддий эътибор талаб қиланадиган иш бу – махсус шкафларга жойлаштирилаётган автоматикани йиғишдир, – дейди Назорат-ўлчов асбоблари ва автоматика марказий лабораторияси бошлиғи Икром Ғаниев. – Бу жараён албатта, хотин-қизларга ишониб топширилган. Уларнинг алоҳида эътибори билан йиғилган автоматлаштирилган шкафлар йирик саноат корхоналарининг самарали иш фаолиятини таъминлаяпти.

Номидан англаш мумкинки, назорат-ўлчов асбоблари ва автоматика ишлари мутахассисдан етарли билим ва катта тажриба талаба этади. Марказий лаборатория жойлашган бинога кириб бораркансиз, ишчилар коржомасини кийиб олган, бутун диққати махсус иш қуроллари ёрдамида автоматика ускуналарини йиғиш, уни синовдан ўтказиш билан банд хотин-қизлар эътиборингизни тортади. Суҳбатни 20 йиллик фаолияти билан жамоада обрў орттирган монтаж участкаси бошлиғи Феруза Ҳамроева давом эттирди:

– Участкамизда 13 нафар хотин-қиз меҳнат қилади. Ҳар кунги иш режамиз белгилаб берилади. Биз эса режани ортиғи билан бажаришга, муҳими автоматика шкафларини сифатли қилиб тайёрлашга эътиборни қаратамиз, – дейди Ф.Ҳамроева.

Иш қизғин давом этаётган участкада Дилноза Пардаева, Нафиса Жуманазарова, Рушана Шерқулова, Соҳибжамол Бўрибоева, Гулнора Олимова каби ёш электртаъмирлаш чилангарлари “устоз-шогирд” анъанасига содиқ қолиб, меҳнат қилишаяпти. Бошқарманинг Юлия Кан, Насиба Файзиева, Зулайхо Ҳайитова, Анастасия Мишкина каби фаоллари зиммаларидаги режа ва вазифаларни сифатли бажаришга муваффақ бўлишяпти. Нозик қўлларда терилаётган автоматика жиҳозлари ўзининг юқори сифати билан ажралиб туриши эътиборга моликдир.

Азамат ЗАРИПОВ.

■ 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни

ПРОЕКТ – ЖИТЬ ПРОЕКТАМИ

Времена, когда инженерия считалась сугубо мужской отраслью, уходят в прошлое. Сегодня эта профессия стала вполне престижной и уже не подразумевает четкого гендерного разделения, в связи с чем, наблюдается небывалый рост популярности инженерии среди женщин. Руководитель технологической группы Центрального проектного бюро АО «НГМК» Екатерина Багдаева одна из них.

Молодым специалистом, только что окончившим вуз по специальности инженер-технолог, Екатерина пришла в коллектив ОАО «Навоиазот» в проектно-конструкторский отдел. 18 лет рука об руку трудилась с интересными, грамотными людьми, изучала особенности дела, набиралась опыта. В июле 2010 года Екатерину Рустамовну пригласили на должность инженера I категории ЦПБ Навоийского ГМК, как специалиста высокого класса по части проектирования технологии.

За 13 лет при непосредственном участии Багдаевой и ее коллег разработаны грандиозные проекты по площадкам комбината.

- Одними из первых моих больших работ в горно-металлургическом комбинате были установка межцикловой флотации и опытно промышленная установка десорбции, электролиза и реактивации угля на ГМЗ-3, - делится воспоминаниями Екатерина Рустамовна. - Приходилось работать в авральном режиме. Весь состав рабочей группы - технологи, строители, механики амбициозно, эффективно и динамично работали ради общего дела. Для меня осуществление этих проектов было большой школой и закалкой. Не могу не поблагодарить за поддержку в реализации установок специалистов Ольгу Василенок, Маткарима Аликулова, Максима Крюкова, Жахонгира Хайитова, Улугбека Эргашева, Лады Лагоды, Дмитрия Медведева.

После состоялись и другие масштабные мероприятия, в разработках которых участвовала Екатерина Багдаева.

- Крупный проект был по ЦКВЗ: «Локальная система орошения и сбора продуктивных растворов рудного штабеля №1 с последующей их переработкой», где ЦПБ с технологами комбината и специалистами Центрального РУ Дмитрием Агеевым, Тельманом Мехтиевым и главным инженером ЦКВЗ Отабеком Неговым прорабатывали и выбирали оптимальные варианты, - рассказывает Екатерина Багдаева. - Да, месяцы выдались тогда напряженные, но глаза горели, смелые идеи, рождались одна за другой!

Можно долго перечислять выполненные работы, в которых принимали участие Е.Багдаева и другие специалисты:

- ГМЗ-1: «Расширение опытно-промышленной установки по получению раствора сульфата железа», «Реконструкция технологического цеха №2, строительство узла интенсивного сорбционного выщелачивания 4 цепочки сорбции» «Установка и монтаж 4 мельничного узла на участке доизмельчения».

- ГМЗ-2: «Реконструкция блока 21. Установка мельницы», «Промышленная сорбционная установка на хвостохранилище №2», «Промышленная установка выщелачивания золота из магнитной фракции», «Реконструкция мельничных блоков в главном корпусе цеха №2, с целью увеличения производительности по переработке руды».

- ЮРУ: «Строительство второй очереди ГМЗ-4. Изменение технологической схемы измельчения и интенсивной гравитации», «Опытно-промышленная установка по переработке первичных руд МЗИЦ»: «Узел обжига концентратов, флотация на МЗИЦ».

- Очень много сделано работ в Центральном рудоуправлении по инвестиционным проектам, в ходе строительства ГМЗ-5 и ГМЗ-7, для усовершенствования технологии и увеличения производительности».

Целью основной деятельности Центрального проектного бюро является удовлетворение потребностей АО «НГМК» в проектной документации на новое строительство, расширение, реконструкцию и технологическое перевооружение действующих предприятий, зданий и сооружений, обеспечивающей повышение эффективности капитальных вложений и основных фондов на основе новейших достижений архитектуры, науки, техники, технологий и передового опыта. Поэтому, как только ставятся новые задачи перед коллективом ЦПБ, начальник Адиз Куролов оперативно организовывает качественную, своевременную работу. А большой опыт работы специалистов на производственных и строительных организациях дают возможность быстрого принятия решения по отдельным конструктивным решениям проектных работ на стадии их разработки. Коллектив ЦПБ - это большой организм, где работают специалисты разных направлений - строители, энергетики, сантехники, сметчики, горняки, экологи, группа автоматизации и сигнализации.

Необходимо признать, что запускается механизм работы с технологической группы Центрального проектного бюро, так сказать, основополагающее будущего заказа проектируется именно здесь квалифицированными, компетентными, молодыми, дружными между собой специалистами-технологами Максудом Муминовым, Аминой Шариповой, Шерзодом Саидовым.

- Екатерина Рустамовна строгий и требовательный руководитель, - рассказывает Амина Шарипова. – Владеет профессиональными знаниями, умеет грамотно организовать работу, принимает быстрые и конструктивные решения возникающих проблем, легка на подъем, часто бывает в производственных командировках, где ее присутствие просто необходимо. С ней легко сотрудничать, она коммуникабельна, с удовольствием делится знаниями, уважительна и скромна, с хорошим чувством юмора. По словам нашего руководителя, инженером может стать каждый человек, каждый, кто смолоду интересуется техникой, созидательным трудом и наукой.

- Екатерина Рустамовна с аналитическим складом ума, имеет свою объективную точку зрения, которую может отстаивать в кабинетах больших руководителей, - присоединяется к разговору Максуд Муминов. - Почти все директора заводов знакомы с ней лично и уважают ее за глубокие знания и большой опыт в работе. Полна энтузиазма, никогда ничего не делает спустя рукава, за все всегда несет ответственность и нас заряжает своим примером.

- Без технологов комбината Отабека Мустакимова, Евгения Ткаченко, Марата Исмагилова, Игоря Авершина во главе с генеральным директором Кувандиком Санакуловым не осуществился бы ни один проект, над которым мне приходилось трудиться - рассказывает Екатерина Багдаева. - Горжусь тем, что работаю с асами, людьми, от которых не хочется отставать, которых нельзя подвести.

Разработчики, конструкторы, изобретатели, технологи находятся на вершине неформальной профессиональной иерархии в инженерии. Так было раньше, так остается и поныне. В то же время, творчество в инженерном деле нередко сопровождается стрессом. Возможны нестыковки, накладки, авральный режим работы, поздние бдения над проектами. Женщинам, особенно семейным, крайне непросто вписаться в такой ритм. Благодаря пониманию и поддержке мужа и сыновей с невестками Екатерина Багдаева со спокойным сердцем отдает всю себя непростой, но любимой работе.

На 2023 год утверждены новые рабочие планы, предстоит выполнить огромное количество работ, к которым сплоченный коллектив Центрального проектного бюро, в том числе и технологическая группа всегда готовы!

Ситора ЯТИМОВА.
Фото В.ЯКОВЛЕВА.

ЮТУҚЛАРДА АРЗИГУЛИК УЛУШЛАРИ БОР

Шимолий кон бошқармаси Автомобиль транспорти бошқармасида 1 минг 500 нафардан зиёд ишчи-хизматчилар, муҳандис-техник ходимлар меҳнат қилишади. Жамоа кон бошқармасида маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган давлат буюртмасини бажаришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Бунда транспорт бошқармасида фаолият кўрсатаётган 70 нафардан ортиқ хотин-қизларнинг ҳам арзигулик улуши бўлаяпти. Транспорт корхонасида ишлаш, айниқса хотин-қизлар учун осон эмас, албатта. Қувонарли жиҳати шундаки, бошқарма маъмурияти ва касаба уюшмаси ташкилоти корхонада меҳнат қилаётган хотин-қизлар учун зарур иш шароитларини яратишга эътибор бераяпти. Жумладан, ўтган йили ишчи-ходимларга қулайликлар яратиш мақсадида 4 та музлаткич, 7 та микротўлқинли печ ва 4 та совуткичлар харид қилинди. 238 миллион сўм маблағ эвазига олинган, Россияда ишлаб чиқарилган, 9 хил метал зарраларини аниқловчи спектрал таҳлил қурилмаси таҳлил лаборантларининг меҳнатини енгиллаштиришга хизмат қилмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнларида ҳам иқтисодий самарадорликка қаратилган ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Илгарилари Автомобиль транспорти бошқармасига келтириладиган техника воситалари ва механизмлар Темир йўл цехида йиғилган бўлса, айни пайтда бу иш бевосита бошқарманинг ўзида бажарилаяпти. Демак, транспорт ва ишчи кучи билан боғлиқ харажатларнинг олди олинмоқда. Корхонада оғир ва йирик қурилмаларни йиғишда Хитойда ишлаб чиқарилган, қиймати 5 миллиард 389 миллион сўмлик замонавий крандан фойдаланилаяпти. Бундай улкан кранни Маҳлиё Атаниязова бошқараётганлиги таҳсинга лойиқ. Ўзиағдаргич ва механизмларни таъмирлаш ва техник кўрикка тайёрлаш ишларини тез ва сифатли бажариш учун бегараз совға сифатида берилган, Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган мой тарқатиш станциясида ҳам хотин-қизлар фаолият юритиб келишмоқда.

Корхона хотин-қизлари ўртасида меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси юзасидан ўқув машғулотлари ташкил этилаяпти. Уларнинг касбий билимини ошириш, қўшимча касбларга тайёрлаш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Хотин-қизлар спорт мусобақалари, жумладан волейбол ва “Қувноқ стартлар” беллашувларида мунтазам иштирок этмоқдалар. Маъмурий-хўжалик қисми ичимликлар тайёрловчиси Дилфуза Шамсиева спортнинг дзюдо, самбо ва миллий кураш турларида туман, вилоят ва республика босқичларида фахрли ўринни эгаллаб келмоқда.

Оғабек АТАНИЯЗОВ,
“НКМК” АЖ ШКБ Маънавий-маърифий ишлар бўйича инспектори.

“НАФОСАТ МАЛИКАЛАРИ”

3 марта на территории столовой РУ «ГМЗ-1» состоялся конкурс «Нафосат маликалари», посвященный Международному женскому дню – 8 марта среди 13 прекрасных работниц завода.

Участницам были предложены 4 задания, которые выполнялись согласно установленному времени, за исключением домашнего кулинарного задания. Так компетентное жюри оценивало красивую нарезку фруктов (карвинг), вопросы на логику, «блюдо своими руками» и умение распознать вареное яйцо от сырого.

По итогам конкурсно-развлекательной программы, которая прошла в приятной дружеской атмосфере, победительницами стали Саодат Матаганова, работница цеха №1, Насиба Чулиева, работница КИПиА и Лилия Гулямова, работница цеха №2 занявшие 1, 2 и 3-места соответственно.

Конкурсанток поздравил директор РУ «ГМЗ-1» Норбута Тошбатиров, отметив в своем выступлении роль женщины в обществе, семье и воспитании детей.

Всем участницам вручены ценные подарки и дипломы. После торжественной части гостям предложено попробовать вкусные яства умелых хозяюшек.

Мила КАРИМОВА.

■ Dolzarb mavzu

KORRUPSIYAGA QARSHI BIRGALIKDA KURASHAMIZ

Korrupsiya har qanday davlatning ertangi kuni, kelajagi uchun xatarli, tahdidli kushandadir. U iqtisodiyotga katta zarar yetkazib, mamlakat taraqqiyotini izdan chiqaradi. Shu boisdan mamlakatimizda bu borada qator huquqiy hujjatlar qabul qilindi. Yangi O‘zbekistonda Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi tashkil etildi. 2017 yilda “Korrupsiyaga qarshi kurashish to‘g‘risida”gi Qonun, 2020 yilda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasida korrupsiyaga qarshi kurashish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni va 2021 yilda “Korrupsiyaga qarshi kurashish faoliyatini samarali tashkil etishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarori qabul qilindi.

Navoiy kon-metallurgiya kombinati aksiyadorlik jamiyati maqomini olgandan so‘ng, uning asosiy bo‘linmalarida Komplayens xizmati tashkil etildi. Bu xizmat xodimlari oldiga kombinatda korrupsiyaga qarshi murosasiz kurashish muhitini yaratish, korrupsion xavf-xatarlarning oldini olish, kelib chiqish sabablarini barvaqt aniqlash, bunday omillarni tamomila bartaraf etish kabi muhim vazifalar qo‘yildi.

Kombinatda Komplayens xizmati tomonidan, o‘tgan davrda ushbu yo‘nalishlarda qator ishlar amalga oshirildi. Xodimlar “onlayn” malaka oshirish kurslariga qatnashib, bilimlarini oshirishlari natijasida sohaga tegishli 38 ta, jumladan: Xalqaro korrupsiyaga qarshi kurashish Akademiyasi (International Anti-Corruption Academy)ning “Manfaatlar to‘qnashuvini tartibga solish” yo‘nalishida 17 ta, “Aktivlarni deklaratsiyalash – korrupsiyani aniqlash indikatori” yo‘nalishida 8 ta, “Xaridlar sohasida korrupsiya va firibgarlikning oldini olish” yo‘nalishida 2 ta, Moliya vazirligining “Davlat xaridlarini amalga oshirish” yo‘nalishida 6 ta hamda Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligining 3 ta sertifikati olindi. Ikki nafar xodimimiz Dubay shahrida “Korrupsiyaga qarshi kurashish bo‘yicha boshqaruv tizimi va kadrlar bilan ishlash ahamiyati” mavzusida o‘tkazilgan seminar va treningda ishtirok etib, xalqaro darajadagi sertifikatlar olishdi.

ISO 37001:2016 xalqaro standartining muvofiqlik sertifikatini olish yuzasidan tasdiqlangan “Yo‘l xaritasi” ijrosi bo‘yicha 15 ta ichki idoraviy hujjatlar ishlab chiqilib, amaliyotga joriy etildi. Aksiyadorlik jamiyatining rasmiy veb-saytida hamda ichki portalda “Korrupsiyaga qarshi kurashish” va “Ochiq ma’lumotlar” bo‘limlari yaratildi. Mazkur bo‘limlarda ichki idoraviy hujjatlar, e’lon qilinishi belgilangan ma’lumotlar, murojaatlarni yuborish uchun tegishli aloqa kanallar, ijtimoiy videoroliklar hamda Komplayens xizmatining mas’ul xodimlari to‘g‘risidagi ma’lumotlar joylashtirildi.

Xalqimizda kasallikni davolashdan ko‘ra, uning oldini olish afzal degan naql bor. Zero korrupsiya keltirib chiqaradigan oqibatlarni kutib turmasdan bu illatga oid jinoyat va huquqbuzarliklarni barvaqt aniqlash, ularga chek qo‘yish maqsadga muvofiqdir. Shu boisdan ham Komplayens xizmati xodimlari tomonidan korrupsion holatlarni keltirib chiqarayotgan shart-sharoitlar o‘rganilib, ularni bartaraf etish choralari ko‘rilmoqda. O‘tgan yilda Komplayens xizmati tomonidan jami 990 ta ichki idoraviy hujjatlar korrupsiyaga qarshi huquqiy ekspertizadan o‘tkazildi, normativ-huquqiy va ichki idoraviy hujjatlarga o‘zgartirishlar kiritish yuzasidan ishlab chiqilgan 27 ta takliflardan 9 tasi amaliyotga joriy etildi.

2022 yilning noyabr-dekabr oylarida “NKMK” AJda korrupsiyaga qarshi kurashish oyligi o‘tkazildi. Oylik doirasida Adliya vazirligi tomonidan 2022 yilning 31 avgustida 3383-son bilan ro‘yxatdan o‘tkazilgan Uslubiyot hamda “NKMK” AJ ichki idoraviy hujjatiga ko‘ra, kombinat markaziy apparati (boshqarmasi)ning 54 ta xizmat, boshqarma va bo‘limlarining 536 ta funksiyalari baholandi. Baholash natijalariga ko‘ra, 19 ta “yuqori” va 58 ta “o‘rta”darajadagi xavf-xatarlar aniqlanib, ularning oldini olish va bartaraf etish yuzasidan 2022 yil 27 dekabrda 62 banddan iborat dastur tasdiqlandi.

Korrupsiyaga qarshi kurashish oyligida Navoiy shahridagi “Farhod” madaniyat saroyidagi LED ekranda korrupsiyaga qarshi kurashish yo‘nalishidagi ijtimoiy roliklar namoyish etildi. Ishchi-xodimlarning uyali xizmat telefonlariga har haftada bir marotaba SMS xabarlar yuborilib, korrupsiyaga qarshi kurashish sohasidagi asosiy tushunchalar haqida ma’lumot berib borildi.

Xaridlar sohasida potensial tovarlar (ishlar, xizmatlar) yetkazib beruvchilarining dastlabki malakasini baholash bo‘yicha tashkil etilgan komissiya tomonidan 27 ta tender hujjatlari bo‘yicha 48 ta subyektning hujjatlari ko‘rib chiqilib, 2 ta holatda manfaatlar to‘qnashuvining oldi olindi. Fuqaro murojaatlari va topshiriqlarga asosan jami 24 ta nazorat tadbirlari o‘tkazilib, shundan 14 tasi huquqni muhofaza qiluvchi organlarga yuborildi. Xususan, 2 ta holatda Ixtisoslashtirilgan prokuratura tomonidan jinoyat ishi qo‘zg‘atilib, kombinat manfaatlariga yetkazilgan 1,1 milliard so‘m zarar undirildi.

Komplayens xizmati xodimlari sohada ishlashi xalqning, davlatimiz rahbari va hukumatimizning yuksak ishonchi ekanligini teran anglagan holda, bundan buyon ham bor bilim va imkoniyatlarini korrupsiyaga qarshi kurashishga, kombinat iqtisodiy va ijtimoiy faoliyatining barcha yo‘nalishlarida ochiqlik va shaffoflikni ta’minlashga yo‘naltiradilar.

Azamat BOZOROV,
“NKMK”AJ Komplayens xizmati sho’ba boshlig‘i.

■ Xabarlar

Bugungi kunda respublikamizda alohida dastur asosida mahalliylashtirish va import o‘rnini bosuvchi mahsulotlar ishlab chiqarishga e’tibor qaratilgan. Bu borada Navoiy kon-metallurgiya kombinatida olib borilayotgan ishlar tahsinga munosib.

KICHIK KORXONANING KATTA QADAMLARI

Bir yuzu qirq besh nafar ishchi-xodim ishlayotgan Janubiy kon boshqarmasi ta’mirlash-mexanika sexida ayni paytda tog‘-kon sanoati uchun 88 turdagi mahalliylashtirilgan ehtiyot qismlar va uskunalar ishlab chiqarilib, “Zarmitan” va “Marjonbuloq” sanoat maydonlaridagi bo‘linmalarga yetkazib berilmoqda. Tasmali konveyyer roliklari, shaxta vagonchalari, yuk ortgich kovshlari, turli nasoslar shular jumlasidandir.

Joriy yilda ushbu sexda qiymati 9,8 milliard so‘m bo‘lgan mahalliylashtirilgan va import o‘rnini bosuvchi mahsulotlar ishlab chiqarilishi mo‘ljallangan. Bu ishlarning samarasi mahsulot tannarxini kamaytirish, ishlab chiqarishdagi uzilishlarning oldini olish imkonini bermoqda.

Mansur HUSANOV

NAMUNALI ZIYO MASKANI

Uchquduqda 36,7 mingdan ortiq kitob fondiga, mingdan ziyod doimiy a’zolariga ega texnik kutubxona bor. Shimoliy kon boshqarmasi tasarrufida bo‘lgan bu ziyo maskani tashkil topganiga yarim asrdan oshgan. Shu davrda kombinat ishchi-xodimlari, aholi ma’naviyatini yuksaltirishga xizmat qilib kelyapti.

Quvonarli jihati, kutubxona Navoiy kon-metallurgiya kombinati, Navoiy davlat konchilik va texnologiyalar universiteti, Toshkent davlat texnika universiteti elektron kutubxonalariga integratsiyalashgan. Bu, chekka va olis hududdan turib, poytaxt va viloyat markazidagi fonddan o‘ziga kerakli elektron adabiyotlarni izlab topish, ulardan foydalanish imkonini beradi. Kitob mutoalasi, kerakli adabiyotlarni izlab topish va foydalanish uchun shart-sharoitlar yaratilgani bois, bu maskan har doim kitobsevarlar, kelajak avlod vakillari, yosh tadqiqotchilar bilan gavjum.

Shimoliy kon boshqarmasining yosh ixtirochi va ratsionalizatorlari aynan shu joyda nazariy bilimlarini mustahkamlab, zaruriy kitob va qo‘llanmalardan foydalanib, ishlanmalariga yechim va isbot topib, izlanishlar olib borishmoqda. Kon boshqarmasi yosh mutaxassislarining 2022 yildagi innovatsion g‘oya va ularni ishlab chiqarishga tatbiq etilishidan 6 milliard so‘mdan ortiq foyda olindi.

Kitob insonning yaqin hamrohi, do‘sti hisoblanadi. Erishayotgan har bir yutuq ushbu ma’naviy meros tufaylidir. Dunyoda hamma narsa eskirishi, uning o‘rnini yangisi egallashi mumkin. Lekin kitob tufayli olgan bilim, kitobning hayotimizda tutgan o‘rni, qadr-qimmati hech qachon o‘zgarmaydi.

Laylo KARIMOVA.

■ Bugunning gapi

Ma’lumki, joriy yilda Nurota tumani hududidagi “Pistali” koni negizida barpo etilayotgan 6-gidrometallurgiya zavodi foydalanishga topshiriladi. “1-GMZ” kon boshqarmasi rahbariyati yaqinda ishga tushirilishi mo‘ljallanayotgan mazkur korxona uchun malakali ishchi-kadrlarni tayyorlashga yetarli e’tibor bermoqda. Ana shu maqsadda kon boshqarmasida kadrlarni tayyorlash guruhi tashkil etildi.

KASBLI BO‘LISH — BAXTLI BO‘LISH

Guruh rahbari Sardor Sanoyev va muhandislar Nargiza Do‘stmurodova, Sitora Muxtarovalar zimmalaridagi vazifa mas’uliyatini his qilgan holda faoliyat ko‘rsatishyapti. “Pistali” koni va kon avtogarajiga ishga qabul qilinganlarni mutaxassisligi bo‘yicha kasbga va turdosh kasblarga tayyorlash tizimli tarzda olib borilyapti. Jumladan, kon ishchisi, geologik ishlarda kon ishchisi, kimyoviy tahlil laboranti, namuna saralovchi, kompressor qurilmalari mashinisti kabi kasblar bo‘yicha bo‘lajak ishchi-xodimlar guruh shaklida o‘qitilmoqda. Ular nazariy mashg‘ulotlarni “Navoiy kon-metallurgiya kombinati” AJ O‘quv markazida, amaliyotni esa “Aristantov” karyeri, “Qoraqo‘ton” koni, shuningdek mutaxassisliklariga mos tarzda “1-GMZ” kon boshqarmasi gidrometallurgiya mahsulotlarini boyitish, texnik nazorat bo‘limlari, zavodning texnologik laboratoriyasida o‘tamoqdalar. O‘quv dasturlarida kasbiy, ishlab chiqarish va xavfsizlik texnikasiga oid zarur bilimlar qamrab olingan bo‘lib, mashg‘ulotlarga kon boshqarmasi hamda “NKMK” AJ bo‘linmalarining malakali mutaxassislari jalb etilyapti. O‘quv mashg‘ulotlari yakunida, o‘quvchilar kombinat Kadrlar boshqarmasi, “Qizilqum” kontexnazorat inspeksiyasi, “1-GMZ” kon boshqarmasi mutaxassislari ishtirokida o‘tkaziladigan malaka imtihonlarini topshirib, “NKMK” AJning malakaviy guvohnomasiga ega bo‘lmoqdalar.

Shuningdek, 92 nafar kishi kon boshqarmasining malakali ishchi xodimlariga individual biriktirilgan holda nazorat-o‘lchov asboblari va avtomatika chilangari, jihozlarini ta’mirlash bo‘yicha navbatchi chilangar, ta’mirlovchi-chilangar, elektr jihozlariga xizmat ko‘rsatish va ta’mirlash elektrmontyori, navbatchi elektrchilangar, avtomobillarni ta’mirlash chilangari singari kasblarga o‘qitilmoqda. Ular bevosita ishlab chiqarish uchastkalarida amaliyot o‘tab, nazariy hamda amaliy bilimlarini mustahkamlaydilar.

Yangi zavod ishga tushgach, korxonada bug‘ qozonxonalaridan foydalaniladi. Hozirgi kunda besh nafar ishchi “NKMK” AJ O‘quv markazida qozonxona operatori kasbi bo‘yicha nazariy bilim olib, Markaziy kon boshqarmasi bo‘linmalarida amaliyot o‘tamoqda.

“Pistali” koni va yangi zavod uchun barcha turdagi ishchi-xodimlarni tayyorlash haqida so‘z borarkan, Xavfli yuklarni tashish, Xavfli yuklarni tashishga mo‘ljallangan avtomobillarni boshqarish, Og‘ir yuk tashuvchi karyer avtoag‘dargichlarini boshqarish huquqlarini beruvchi maqsadli uch yo‘nalish bo‘yicha 70 nafardan ziyod haydovchilar turdosh kasblarga o‘qitilganini ta’kidlash joizdir. Kon boshqarmasining o‘n nafar ishchisi ishlab chiqarishdan ajralgan holda “NKMK” AJ O‘quv markazida Harakatlanuvchi avtomobillarga yoqilg‘i quyish shaxobchasi operatori kasbi bo‘yicha nazariy bilim olib, ishlab chiqarish ta’limini Markaziy kon boshqarmasi bo‘linmalarida o‘tayaptilar.

Korxonada “Ishga marhamat” monomarkazi bilan aloqalar yaxshi yo‘lga qo‘yilgan. Biror kasbga ega bo‘lmagan 59 nafar fuqaro monomarkazda kimyoviy tahlil laboranti, ta’mirlovchi-chilangar, avtomobillarni ta’mirlash chilangari, elektrmontyor kasblariga o‘qitilib, “1-GMZ” kon boshqarmasida ishlab chiqarish tajribasini o‘tab, ishga qabul qilindilar. Bundan tashqari Nurota tumani hokimligining tavsiyasiga muvofiq “Temirqovuq”, “Qizilcha”, “Tinchlik” MFYlarida istiqomat qilayotgan, “Temir daftar”, “Yoshlar daftari” va “Ayollar daftari”da ro‘yxatda turuvchi, ijtimoiy himoyaga muhtoj 39 nafar fuqarolar monomarkazda garderobchi, ko‘kalamzorlashtiruvchi, oqsoch va boshqa kasblarga o‘qitildi. Ayni paytda ushbu fuqarolarni ishga qabul qilish rasmiylashtirilmoqda. Xulosa shuki, yangi kon va zavod uchun zarur ishchi-xodimlar tayyorlanmoqda.

Alisher MIRZAYEV,
“1-GMZ” kon boshqarmasi direktorining kadrlar va ma’muriy masalalar bo‘yicha o‘rinbosari.

■ Территория возможностей

КНИГИ ЖДУТ СВОЕГО ЧИТАТЕЛЯ...

Город-легенда, удивительный Учкудук, начинался с десанта строителей в составе 80 человек, который высадился на территории современных 8-13 микрорайонов в 1956 году…

В 1952 году геологической разведкой в Центральных Кызылкумах было выявлено месторождение урана. Данные разведки дали старт работам по освоению месторождения. В 1956 году были запущены подготовительные работы к началу строительства рудника Учкудук. Уже в 1958 году часть месторождения была передана для промышленного освоения. И эта дата считается датой рождения флагмана промышленной индустрии Республики Узбекистан – Навоийского горно-металлургического комбината.

Бурное развитие промышленного комплекса в отдаленном регионе требовал подготовки большого количества технических кадров. И эту задачу частично решал Учкудукский филиал Навоийского вечернего техникума (позже реорганизованного в Навоийский промышленный техникум). В здании филиала техникума в январе 1971 года была создана техническая библиотека Северного рудоуправления.

Позже, в 1990 году, библиотека была переведена в здание №3, а с 2016 года она находится в здании №-2 Северного рудоуправления. Основу книжного фонда библиотеки составила техническая литература, безвозмездно переданная научно-технической библиотекой управления Навоийского горно-металлургического комбината. Позже библиотека стала обеспечиваться литературой Навоийским областным библиотечным коллектором.

Сегодня техническая библиотека относится к Производственно-техническому и инновационному отделу Северного рудоуправления. Главной целью деятельности библиотеки является полное оперативное библиотечное и информационное обслуживание специалистов предприятия и жителей города, комплектование библиотечного фонда в соответствии с профилем подразделения и потребностями пользователей, формирование читательской культуры.

– Наша библиотека известна в Учкудукском районе и за его пределами своими уникальными специализированными фондами, - рассказывает начальник ПТИО рудоуправления Фаррух Абдимуминов. - Библиотека является профессиональной, хранящей научно-технические документы, связанные с производством и наукой, и обслуживает не только работников и специалистов нашего предприятия, но и учащихся колледжей и вузов. По состоянию на сегодняшний день документный фонд библиотеки составляет около 36747 единиц хранения. В их числе здесь хранится научно-техническая документация - патенты, отчеты опытно-конструкторских и исследовательских разработок и др.

Количество посещений библиотеки в 2022 году составило 1312 человек, количество пользователей – 896, книговыдача достигла 6756 экземпляров библиотечных документов».

Книжный фонд библиотеки насчитывает около 36 тысяч экземпляров технической литературы по различным отраслям знаний. Это книги по физике, химии, геологии, электротехнике, горному делу, автотранспорту, химической технологии, строительству и архитектуре. Широко представлены работы специалистов НГМК, в том числе генерального директора НГМК Кувондика Санакулова.

«Неоспоримая ценность этих изданий в том, что они рассказывают о пути становления Навоийского горно-металлургического комбината, освещают методы производства и технологии, непосредственно в деятельности основных подразделений нашего комбината», - говорит библиотекарь Елена Ким. При отсутствии необходимой

литературы библиотека осуществляет книгообмен по межбиблиотечному абонементу с другими библиотеками комбината.

Читальный зал библиотеки предоставляет читателям подшивки газет и журналов 33 наименований. Так же здесь можно воспользоваться электронными вариантами документов. У истоков создания библиотеки стояла Л.Тырина, с 1975 года заведующей библиотекой работала Т. Просянкина, с 1977 по 2000 годы – В.Серебрянская.

Более 20 лет, с 2000 года руководит работой технической библиотеки Елена Ким – выпускница Ташкентского государственного института культуры, – специалист самого сложного направления в библиотечном деле – библиографии. Благодаря своей специализации она скрупулёзно вникает в свою работу. Ее отличает вдумчивое, ответственное отношение к своим обязанностям и поручениям руководства.

Обозначенный путь дальнейшего развития нашего государства – это трансформация всей социально-экономической жизни в цифровую формацию. Технические библиотеки НГМК стремятся идти в ногу со временем. Так и в работе технической библиотеки Северного РУ используются формы автоматизации библиотечных процессов. Введен в эксплуатацию «Электронный каталог книжных, периодических изданий и отчетов по НИР и НТР» Автоматизированной библиотечной системы НГМК. Использование автоматизированной базы данных каталога позволило повысить качество справочно-библиографического и информационного обслуживания читателей. Уделяется внимание приобретению копировально-множительной техники.

С апреля 2019 года совместно с другими библиотеками НГМК в Сев РУ ведется работа по оцифровке и размещению книжного фонда и изданий периодической печати в Электронную библиотеку НГМК, НГГТУ и ТГТУ. Для облегчения доступа к данным электронной библиотеки и охвата более широкого круга специалистов используются способы электронной доставки документов.

– В читальном зале библиотеки осуществляется информационно-библиотечное обслуживание, электронный поиск из более 157800 книг и изданий периодической печати, внесенных в электронную библиотеку НГМК и НГГТУ и ТГТУ, а также поиск нормативно-технических документов и патентов, - подчеркивает Елена Петровна.

В 2022 году в помещении библиотеки сделан капитальный ремонт. По его окончанию осуществлена оптимальная расстановка книжного фонда. Теперь здесь очень уютно и уникальная литература ждет своих читателей.

Зульфира БАДАЕВА.

■ Inson va qonun

QONUN TALABLARI BAJARILISHI SHART

Savdo-sanoat palatasi Navoiy viloyat hududiy boshqarmasi Zarafshon tumanlararo iqtisodiy sudiga da’vo arizasi bilan murojaat qilib, “Uzspetsstroymontaj” mas’uliyati cheklangan jamiyatidan “Janub sanoat montaj” aksiyadorlik jamiyatiga 186 million 342 ming 364 so‘m asosiy qarz, 55 million 157 ming 339 so‘m penyani undirishni so‘ragan.

Sudning 2022 yil 26 sentabrdagi hal qiluv qarori bilan da’vo talabi qisman qanoatlantirilib, javobgardan da’vogar foydasiga 186 million 342 ming 365 so‘m asosiy qarz, oldindan to‘langan 24 ming so‘m pochta xarajati undirilgan.

Mazkur ishni ko‘rish jarayonida da’vogar korxonaning mas’ul xodimlari tomonidan qator jiddiy xato-kamchiliklarga yo‘l qo‘yilganligi va kelgusida mazkur holatlarning oldini olishga jiddiy e’tibor qaratish lozimligi aniqlandi.

Taraflar o‘rtasida 2019 yil 11 yanvarda tuzilgan 1-sonli pudrat shartnomasiga muvofiq da’vogar tomonidan javobgarga jami qiymati 186 million 342 ming 364 so‘mlik sulfat portlandsement mahsulotlari yetkazib berilgan. Biroq mahsulot yetkazib berilgan davrda tegishli hujjatlar, xususan yuk xati, topshirish-qabul qilish dalolatnomalari rasmiylashtirilmagan. Mahsulot javobgarga zarur bo‘lganligi sababli da’vogarning mas’ul xodimlari hujjatlarni rasmiylashtirishga yetarli e’tibor bermagan. Mahsulotlarning qabul qilinganligi keyinchalik tan olinib, bu to‘g‘risida 2022 yilning 16 mayida rasmiylashtirilgan 21 T-sonli hisob-faktura elektron ravishda e’tirozsiz qabul qilingan.

Agarda mazkur hisob-faktura hujjati javobgar tomonidan tasdiqlanmaganida da’vogar mahsulot berganligini boshqa dalil bilan isbotlab berolmas va buning oqibati mas’ul xodimlarning e’tiborsizligi bilan da’vogarga 186 million 342 ming 364 so‘mlik zarar yetkazilgan bo‘lar edi.

Yuqorida qayd etilgan holatlar da’vogarning mazkur holatga mas’ul xodimlarining o‘z xizmat vazifalari va qonunchilik talablariga e’tiborsizligi natijasida yuzaga kelgan. Shu boisdan bunga huquqiy baho berilishi va tegishli tartibda chora ko‘rilishi maqsadga muvofiq deb topilib, intizomiy javobgarlikka tortish to‘g‘risidagi taqdimnoma chiqarilgan hamda uning mazmun-mohiyatini mas’ul xodimlar e’tiboriga yetkazib, kelgusida bunday salbiy holatlarga yo‘l qo‘ymaslik choralarini ko‘rish belgilangan.

Da’vogarning 2022 yilning 6 oktabridagi 141-sonli buyrug‘i bilan yuqorida qayd etilgan holatlar uchun aybdor xodim M.Norovga nisbatan “hayfsan” intizomiy jazo chorasi qo‘llanilgan.

Xulosa o‘rnida aytish lozimki, har bir xodim o‘z xizmat vazifasini qonun talablariga to‘liq va o‘z vaqtida amal qilgan holda bajarishi lozim.

Sherzod G‘OFUROV,
Zarafshon tumanlararo iqtisodiy sudi raisi.

■ Xabar

BILIM VA TEZKORLIK SINOVI

Markaziy kon boshqarmasining Alohida harbiylashtirilgan kon qutqaruv vzvodi “Zarafshon” hamda “Bessopan” sanoat hududlarida joylashgan “Muruntov” koni va shaxtasi, 2-, 5-, 7- gidrometallurgiya zavodlari, Tashqi suv ta’minoti va birlashgan energoxizmati, “Auminzo-Amantoy” koni hududlarida kon-qutqaruv, ya’ni baxtsiz hodisa sodir bo‘lganda jabrlanuvchini topib, birinchi tibbiy yordam ko‘rsatish, xavfsiz joyga va toza havoga evakuatsiya qilish ishlari bilan shug‘ullanadi. Jamoa vakillari ommaviy portlatishlaridan so‘ng, maxsus texnika va aslahalar bilan kon tubiga tushib, havo tarkibidan namuna olishadi. Havo tarkibi ruxsat berilgan darajada bo‘lganidan so‘ng kon ishchi-xodimlari o‘z xizmat vazifalarini bajarishga kirishadi. Qutqaruv vzvodining tezkor shaxsiy tarkibi maxsus bilim va ko‘nikmalarini mustahkamlashi uchun amaliy hamda nazariy o‘quv mashg‘ulotlar muntazam o‘tkaziladi.

Yaqinda vzvodda shunday tadbirlardan biri tashkil etildi. Unda ishchi guruh bo‘linmaning tezkor va taktik-texnik tayyorgarligi bo‘yicha bilim va ko‘nikmalarini oshirish, mehnat muhofazasi va xavfsizlik texnikasi qoidalariga rioya qilishi yuzasidan kerakli tavsiyalar berdi. Shuningdek, shaxsiy tarkibning kon qutqaruv ishlarini tashkillashtirishga qaratilgan mahorat mashqlari o‘tkazildi.

– “Qutqaruvchilarimiz bir yarim sutka davomida navbatchilikda turishadi. Bu vaqtda xodimlarning turli avariyalar sodir bo‘lganda ularni bartaraf etishga shay holda turishini ta’minlash maqsadida reja asosida amaliy va nazariy mashg‘ulotlar o‘tkaziladi. Jismoniy va saf tayyorgarligi olib boriladi. Har bir xodim o‘z xizmat vazifasini yaxshi biladi. Vzvod kon-qutqaruv aslahalari bilan ta’minlangan. Sun’iy nafas beruvchi, birinchi tibbiy yordam ko‘rsatuvchi anjomlar, yong‘in o‘chirish uskunalari mavjud. Bundan tashqari vzvodimiz 4 ta tezkor xizmat ko‘rsatuvchi maxsus avtomobillarga ega. Tajribali mutaxassislar yoshlarga o‘z bilim va ko‘nikmalarini o‘rgatishgani bois jamoa amalda ko‘plab baxtsiz hodisalarni bartaraf etishda o‘z hissasini qo‘shgan. Fidoyi mehnatlari evaziga hurmat va e’tibor qozongan ishchi-xodimlar doimo rahbariyat tomonidan rag‘batlantirilib kelinyapti”, – deydi vzvod komandiri Shakarbek Axmedov.

Nafosat ZIYOYEVA.

■ Это – интересно!

Ученые Калифорнийского университета выяснили: если вы постоянно сидите, это негативно влияет на работу вашего мозга. Занятия спортом, наоборот, улучшат вашу память, помогут эффективнее учиться и замедлят старение организма.

КАК СПОРТ ВЛИЯЕТ НА МОЗГ И ПРОДУКТИВНОСТЬ

1. Вы сможете лучше концентрироваться

В исследовании Иллинойского университета участвовали 220 школьников восьми-девяти лет – именно в этом возрасте развиваются функции мозга, которые связаны с многозадачностью и концентрацией.

Половина детей были контрольной группой – они не тренировались. А для остальных разработали программу упражнений, которые улучшают выносливость и базовые моторные навыки: они тренировались по 70 минут каждый день после школы целый учебный год.

Ученые выяснили, что дети из второй группы намного улучшили результаты по всем тестам.

2. Вы станете более организованными

Кажется, если регулярно заниматься спортом, то свободного времени останется еще меньше. Но все работает наоборот: тренировки помогают упорядочить график, научиться продуктивно использовать время и успевать больше.

3. Замедлится старение мозга

У нас есть гиппокамп – часть лимбической системы головного мозга, которая задействована в обучении и функциях памяти. Джастин Роудс, доцент психологии Иллинойского университета, отметил: упражнения помогают приостановить возрастные изменения в гиппокампе и улучшить память у пожилых людей.

4. Эндорфинов станет больше, а депрессии – меньше

Большинство исследователей сходятся на том, что физические упражнения улучшают настроение.

Во время тренировок у вас вырабатываются эндорфины – «гормоны радости». Они отвечают за положительные эмоции, а еще уменьшают болевые ощущения. Под действием эндорфинов ваш организм лучше адаптируется к стрессу.

Для «создания настроения» достаточно заниматься неинтенсивными кардиотренировками. А снизить стресс и предотвратить депрессию поможет регулярная быстрая ходьба.

5. Вы станете более творческими

Так, в одном исследовании участвовали 63 человека: одним из них предложили заниматься аэробикой, другим – смотреть видео. После тренировок у первой группы значительно повысилось настроение и активизировалось творческое мышление. У второй – наоборот, настроение упало, а их ответы на тесты были не такими гибкими, как у первой.

KONCHILAR HAYOTI
MUASSIS: **“NAVOIY KON-METALLURGIYA KOMBINATI” AJ**

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2022-yil 4-fevralda 1521-raqam bilan qayta ro‘yxatga olingan.

Muharrir: **Nizomiddin SADRIDDINOV**

ISSN 2010-5266

Tahririyat manzili: 210100. Navoiy shahri, Navoiy ko‘chasi, 27-uy, “NKMK” AJ boshqarmasi
Telefonlar: Muharrir: 79 227-74-64. Faks: 79 227-75-66

Gazeta har oyda ikki marta chop etiladi va “Navoiy kon-metallurgiya kombinati” AJ, “Navoiyuran” DK, “NKMK jamg‘armasi” DM bo‘linmalariga tarqatiladi. Bahosi kelishilgan narxda.

Gazeta “Konchilar hayoti” gazetasi tahririyatida terildi va sahifalandi. “Noshir Lux” MChJ bosmaxonasida ofset usulida bosildi. Nashr sifati bo‘yicha (91) 557-10-95 raqamli telefonga murojaat etishingiz mumkin. **Bosmaxona manzili:** Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uy.

Navbatchi: **Azamat ZARIPOV**
Texnik muharrir: **Zafarjon OLIMOV**

Qog‘oz bichimi A2. 10800 nusxada chop etildi. Buyurtma № 135. 2023-yil 11-mart 10:00 da chop etishga topshirildi.